O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

1995 йил 10 июндан чиқа бошлаган

МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ
MILLIY TIKLANISH

2008 йил 16 ЯНВАРЬ
2 (439)-сон
Чоршанба

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА

САМИМИЙ МИННАТДОРЛИК

Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига қайта сайланганим муносабати билан менинг номимга хорижий давлатлар бошлиқлари, нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарларидан, таниқли сиёсат ва жамоат арбоблари, илм-фан, маданият ва санъат намояндаларидан, мамлакатимиздаги меҳнат жамоалари, кўплаб ватандошларимиздан табриклар келмоқда.

Чет эллардан келаётган қутловларни мен, авваламбор, Ўзбекистоннинг бугунги ва эртанги тараққиётига катта ишонч, ҳуқуқий демократик давлат, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш йўлидан қатъият билан бораётган, барча ютуқларимизнинг ижодкори ва бунёдкори бўлган халқимизга чуқур ҳурмат-эҳтиром ифодаси сифатида қабул қиламан.

Шу фурсатдан фойдаланиб, мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари орқали барча сайловчиларимизга, азиз юртдошларимизга менга кўрсатган юксак ишончи ва йўллаган табриклари учун чин қалбимдан самимий миннатдорлик билдириб, ўзимнинг эзгу тилакларимни изҳор этаман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

● *Тарихий ҳақиқат саҳифалари*

ЁШЛАР – ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧ

«Камолот» ижтимоий ҳаракатининг энг устувор мақсади И. Каримовнинг «Ватан ягонадир, Ватан биттадир» деган ғоясини заминимизда яшаётган ҳар қайси инсон, авваламбор, униб-ўсиб келаётган ёш авлодимиз онги ва тафаккурига сингдириш, унинг ҳаётий эҳтиёжига айлантириш»да, дея қабул қилинди.

Тўққизинчи мақола

Ҳаракатнинг ташкилий тузилиши, таркиби нодавлат ташкилот мақомидан келиб чиқилгани ҳолда, ниҳоятда пухта ҳал этилди, ташкилотда бюрократиянинг авж олишига деярли имкон қолдирмади. Турли соҳаларнинг етакчи мутахассисларидан ташкил топган Маслаҳат кенгаши серқирра ташкилий ишларни амалга ошириши мўлжалланди. Ташкилотнинг таъсисчилари (давлат, таъсисчилар ва ички ҳамда хорижий маблағлар) аниқланди. Ҳаракат ташкилий тузилмаси, таркиби, аъзолик тартиби ташкилот дастури ҳамда низомига кўра, қуйидагича белгиланди:

— марказий идора, вилоят, шаҳар ва туман бўлимлари, мактаблар, лицей ҳамда коллежлар, олий ўқув юртлари меҳнат жамоалари, ҳарбий қисмларда бўлим ва бошланғич ташкилотлар;

— мактабларда 1-4-синфлар ўқувчилари (7 дан 14 ёшгача) ҳаракат ҳомийлигидаги Болалар ташкилотига бирлашади; 5-9-синф ўқувчилари ҳаракат аъзоси бўлади. Ҳарбий қисмларда ёш аскарлар бўлинмаси аъзолари ташкилотга ариза асосида гуруҳ бўлиб киришади;

— ҳаракат таркибига қабул қилиш муайян жамоанинг ўзи ташкилий уюшган ҳолда, бошланғич ташкилот сифатида аъзо бўлади;

— мактаб гуруҳларига ёш фаол ўқитувчи, лицей ва коллежларда, олий ўқув юртлари факультетларида, меҳнат жамоаларида ойлик олиб ишлайдиган етакчилар сайланади. Фаоллар жамоатчилик асосида ишлашади.

Ҳар қайси гуруҳ ўз низомига эга бўлиб, етакчи ҳар йили сайланади. Жойларда ўзини ўзи назорат қиладиган, ўзини ўзи бошқарадиган ёшлар гуруҳи — ҳаракатнинг бошланғич ташкилоти ҳисобланади. Ҳозир республикада ҳаракатнинг бўлим ва бошланғич ташкилотлари мавжуд бўлиб, улар ўз сафида минглаб ватанпарвар ва фидойи ёшлар иштирок этади.

«Камолот» ижтимоий ҳаракати давлат билан ёшлар ўртасида ўзига хос боғловчи бўғин бўлди. Давлатимизнинг ёшлар сиёсатини уларга, ёшларимизнинг ўй-ташвишларини, орзу-интилишлари ва муаммоларини давлат ташкилотларига етказиб берадиган, баркамол авлодни тарбиялайдиган, комил инсонни шакллантирадиган, уларнинг ҳақиқий ҳимоячиси-ю ҳомийси бўлган нодавлат ташкилотига айланди.

Ҳаракат таркибида унинг ҳомийлиги асосида ишлайдиган, 7-14 ёшгача бўлган ўқувчиларни бирлаштирадиган Болалар ташкилоти тузилди. У ҳаракат Марказий кенгаши томонидан тасдиқланган низом асосида фаолият кўрсатиб, ўз фаолиятини тарбиянинг ўзига хос ёндашув ва усулларидан фойдаланган ҳолда, болаларнинг қалби ва онгига ҳаракатнинг асосий мақсад-муддаоларини сингдиришга қаратади. 2001 йил 25 май куни Болалар ташкилотининг Таъсис йиғилиши бўлиб ўтиб, ташкилотнинг низоми қабул қилинди ва унинг раҳбар органи Раёсат аъзолари сайлаб олинди. Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 30 майдаги «Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» ижтимоий ҳаракати фаолиятини ташкил этишга кўмаклашиш тўғрисида»ги қарори ҳаракатнинг дастури ва низомида белгиланган вазифаларни ҳаётга татбиқ этишга, ҳаракатнинг молиявий-иқтисодий негизини ва моддий-техник базасини мустаҳкамлашга имконият яратди.

Мамлакатда фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуришга доир ижтимоий-сиёсий, маънавий-иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишга жаҳон андозалари даражасида билим олган, заковатли, ҳар томонлама баркамол миллий кадрларгина улкан ҳисса қўша олишини назарда тутиб, Ватанга фидокорона хизмат қиладиган, садоқатли, унинг буюк ва қудратли бўлиши учун қайғурадиган, ўз иқтидори билан она-юртни улуғлашга қобил, истеъдодли йигит-қизлардан халқ хўжалигининг устувор тармоқлари учун юксак малакали мутахассислар тайёрлаш мақсадида Президентимизнинг 1997 йил 7 январда «Иқтидорли ёшларнинг чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватлаш «Умид» жамғармасини тузиш тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди. Лекин мазкур жамғарма давлат ташкилоти сифатида фаолият юритиши назарда тутилди. «Умид» жамғармаси бошқа жамғармалардан фарқли ўлароқ, аниқ битта фаолият — энг иқтидорли талабаларнинг чет элларда таҳсил олишни давом эттиришларини таъминлаш билан шуғулланади. Унинг йўлланмаси билан минглаб ўзбек йигит-

Давоми 2-бетда



Азамат АҲМАД олган сурат.

Ёшлар давлат келажаги, салоҳиятини белгиловчи муҳим ижтимоий қатлам. Жамиятнинг тақдири ва истиқболи унда яшаётган ёшларнинг маънавияти ва интеллектуал билим даражаси билан белгиланиши шубҳасиз. Зотан, 2008 йилнинг Ёшлар йили деб эълон қилиниши ҳам давлат ва жамият бошқаруви ҳамда сиёсий-ижтимоий ҳаётда ёшларимизнинг ўрни салмоқли эканлигидан далолатдир.

ВАТАННИНГ БЎЛАЖАК ЭГАЛАРИ

Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 15 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида таъкидланганидек: "Биз ўз олдимизга қўйган юксак мақсадларни, барча эзгу орзу-ниятларимизни амалга оширишда, авваламбор, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбия топган, мамлакатимизни модернизация қилиш ва замонавий демократик жамият қуриш йўлидаги кенг кўламли ва мураккаб вазифаларни ҳал этишга қодир бўлган янги авлод кадрларини тайёрлаш масаласини муҳим принципиал ва ҳал қилувчи даражага кўтарганимиз ҳаммамизга яхши аён».

Мамлакатимиз аҳолисининг қарийб 70 фоизини ташкил этувчи ёшлар катта ижтимоий-сиёсий куч эканлиги бир томондан давлат зиммасига улкан масъулият юкласа, иккинчи томондан ёшларга оид мақбул сиёсат юритиш натижасида ижобий имкониятларни ҳам беради. Яъни, ёшларни ҳаётга тўғри йўналтириш, уларга моддий ва маънавий шароит яратиб бериш асосида ёшлар ва давлат ўртасидаги муносабат мустаҳкамланади. Давлат томонидан юритилаётган бундай сиёсат бевосита ёшларнинг ўз ҳуқуқлари ва бурчларига риоя қилиш масъулиятини оширади. Ҳозирги пайтда мазкур механизм мамлакатимизда қатъий амал қилаётганлигини таъкидлаш лозим.

Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ жамиятнинг "Инсон — жамият — давлат" тарзидаги янги формуласининг конституциявий асоси белгиланганлигини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим. Негаки, дастлаб инсон иродаси, кейин жамият иродаси ва сўнгра давлат иродасининг ифодаланиши умумбашарий демократиянинг муҳим талабларидандир. Инсон тушунчаси таг замининнинг асосини ёшлар ташкил этиши, табиий. Давлатимиз раҳбарининг бевосита ташаббуси билан ёшлар сиёсати давлат сиёсатининг устувор йўналиши дея эътироф этилди. Унинг натижаси ўлароқ, 1991 йилнинг 20 ноябрида республика ёшларининг ижтимоий ҳамда маънавий камол топиши учун шарт-шароит яратиб беришга қаратилган сиёсатни ишлаб чиқиб, уни амалга ошириш мақсадида "Ўзбекистон Республикасида Ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди.

Мазкур қонуннинг мақсади ёшларнинг ижтимоий шаклланиши ва камол топиши, ижодий иқтидори жамият манфаатлари йўлида имкони борича тўла-тўкис рўёбга чиқиши учун ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий жиҳатдан шарт-шароит яратиш ҳамда уларни кафолатлашдан иборат этиб белгиланди. Ва у амалда ўз ифодасини топди.

Халқимизнинг миллий менталитетидан келиб чиқиб, фарзандларимизни муносиб ворислар қилиб тарбиялаш мақсадида ёшларга доир 1997 йилнинг 29 августида Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ва "Таълим тўғрисида"ги қонун қабул қилинди. Ушбу муҳим ҳужжатлар ёшларга таълим-тарбия бериш, касб-ҳунар ўргатишнинг ҳуқуқий асосларини белгилаб, ҳар кимнинг билим олишдан иборат конституциявий ҳуқуқини таъминлашни назарда тутади.

1997 йил 29 августда ёшларимизнинг ҳуқуқий маданияти ва ижтимоий фаоллигини юксалтириш, ҳуқуқий таълим ва ҳуқуқий тарбиясини такомиллаштириш, ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, юрист кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, малакасини ошириш ҳамда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг илмий асосларини тадқиқ этишни ўзида мужассам этган "Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури" қабул қилинди.

Юқорида келтирилган ҳар иккала қонун ва дастурларнинг мазмун моҳияти ҳам давлатнинг бош ислоҳотчи сифатида ёш авлодга нисбатан етарли қонуний механизмларни яратиш йўлидаги жиддий саъй-ҳаракатини англатади. Бу мантиқий ҳол. Соғлом авлод концепцияси давлат сиёсатининг устувор йўналиши даражасига кўтарилди. Ёшларнинг манфаатини ўзида ифода этган бир неча давлат дастурларининг қабул қилиниб, амалга оширилиши ҳам эътиборга молик воқеа.

Нафсиламбрини айтганда, ёш авлодни қўллаб-қувватлашга қаратилган давлат сиёсатининг моҳияти Президентимизнинг маърузасида ўз ифодасини топган. Унга кўра: "Юртимизда яшаётган ҳар бир боланинг ўзига хос қобилияти ва истеъдодини ўз вақтида пайқаш, тарбиялаш ва рўёбга чиқариш — бу ўта муҳим вазифани нафақат ота-оналарнинг эзгу мақсади, балки жамиятимизнинг бурчи сифатида ўртага қўйиш керак, деб ҳисоблайман". Масала ўта жиддий ва масъулиятли. Чунки, айнан шу қатъий мақсад йўлида бирлашишгина келажакда барча соҳаларда муносиб ворис — кадрларнинг етишиб чиқишига имконият яратади. Интеллектуал салоҳиятли ёшлар ҳар бир жамиятнинг ютуғи, таянчи эканлиги барчага аён. Жамият аъзоларининг ҳар бирида мазкур йўналишда ўз бурчдорлик ҳиссининг идрок этилиши муаммонинг ҳал этилишини янада тезлаштиради.

Айнан, мулоҳазали, андишали, салоҳиятли, қобил фарзандлар ҳеч вақт давлат ва жамият олдидаги маъулиятини унутмайди.

Эшмуҳаммад ҚОДИРОВ,
Тошкент давлат юридик институти катта ўқитувчиси, фан номзоди.

МАБЛАҒДАН МАҚСАДЛИ ФОЙДАЛАНИЛДИ

Ўзбекистон «Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгашининг 2007 йилдаги молиявий ҳисоботи партиянинг Қурултойида ва 2008 йил 14 январдаги навбатдаги IV Раёсатда кўриб чиқилди.

Қурултойда ЎзМТДП тафтиш комиссияси раиси ўринбосари В.Файзиева ва Раёсатда Марказий кенгаш бош ҳисобчиси Р.Бобомирзаевалар ахборот бердилар.

Партияга 2007 йилда давлат бюджетидан ажратилган, Раёсат ва Пленумда тасдиқланган маблағ 279.436.000 сўм, бюджетдан ташқари тушумлар 14.616.756 сўмни ташкил этди.

Маблағларнинг асосий қисми Марказий кенгаш девони, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашларининг фаолиятини ташкил этишга, ходимлар маошига, тарғибот-ташвиқот тадбирларига, танловларга, ўқув-семинарлар, учрашувлар ўтказишга ҳамда "Миллий тикланиш" газетаси таҳририятини молиявий қўллаб-қувватлаш учун сарфланди.

"Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни асосида партиянинг молиялаштирилиши 157 нафар туман, 14 нафар вилоят ва 18 нафар Марказий кенгаш ходимларининг фаолиятини қўллаб-қувватлашга асос бўлди.

ЎзМТДП Марказий кенгаш девони.

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҚОНУН:

ПАРТИЯ ФАОЛИЯТИ ЮҚОРИ БОСҚИЧДА

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда сиёсий партияларнинг кенг кўламда ижтимоий-сиёсий фаолият юритишини таъминлайдиган мустаҳкам қонунчилик базаси яратилди. 2008 йил 1 январидан тўла кучга кирган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун ҳам мавжуд барча сиёсий партияларга катта ваколатлар бермоқда. Хўш, айни вақтда зиёлилар партияси вакиллари мазкур қонун бераётган ваколат ва имкониятлардан фойдаланиш, ўз ўрнида жойлардаги партия кенгашлари ишини тубдан яхшилаш мақсадида ўз олдига қандай вазифаларни қўймоқда? Биз шу муносабат билан Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзМТДП фракцияси аъзоларидан Абдуғафур МАМАТОВ, Раъно ЗАРИПОВА ва Жума ЧОРШАНБИЕВларга қуйидаги саволлар билан мурожаат қилдик.

ЎзМТДП: ЯНГИЛАНИШ ПАЛЛАСИ

— Жорий йилдан бошлаб Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун кучга кирди. Бу албатта, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим воқеа ҳисобланади. Мазкур қонун талабларидан келиб чиқиб, партиялар хусусан, "Миллий тикланиш" демократик партиясининг вазифалари нималардан иборат деб ҳисоблайсиз?

— Юртимизда кечаётган демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш зарурати фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада оширишни, инсон манфаатлари, аҳолининг хоҳиш-иродаси ҳамда фикрларини тўла инобатга олишни тақозо этмоқда. Конституциявий қонунда сиёсий партияларнинг жойлардаги ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий вазифаларни ҳал этишдаги ролини, ҳокимиятнинг маҳаллий вакиллик органларини шакллантиришдаги таъсирини кучайтириш ҳам аниқ мақсад қилиб олинган. Бу партия зиммасига қандай масъулиятларни юклайди?

— Ушбу қонун партия гуруҳларига вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг қониқарсиз фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига асосланган хулосалар тақдим этиш ташаббуси билан чиқиш ҳуқуқини ҳам беради. Бундан кўзланган асосий мақсад эса мамлакатимизда фуқаролик жамияти барпо этишнинг асосий институтларидан бири ҳисобланган сиёсий партияларнинг салоҳиятини янада ошириш, ислоҳотлар жараёнида уларнинг иштироки сезиларли бўлишини таъминлашдан иборатдир. Ҳудудий партия кенгашларидаги кадрлар бу жараёнга тайёр деб ҳисоблайсизми? Уларнинг сиёсий билими ва малакасини ошириш мақсадида қандай тадбирлар амалга оширилмоқда?

— Партиянинг парламент қуйи палатасидаги фракцияси аъзоси сифатида қандай аниқ режаларингиз бор?

А. МАМАТОВ: — Конституциявий Қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимиздаги сиёсий партиялар фаолиятини мутлақо янги босқичга кўтарди. Хусусан, жамиятни демократлаштириш, мамлакатни модернизация қилиш ҳамда фуқаролик жамиятининг туб асосларини бунёд этишга пухта замин яратилди. Мазкур қонуннинг 3-моддасида баён этилган норма асосида сиёсий партиялар фракциялари раҳбарлари Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосарлари вазифаларига сайланди. Бу эса Қонунчилик палатасининг ҳаракатлантирувчи кучи бўлмиш фракциялар фаолиятини янги кўламда ташкил этиш, қонун ижодкорлиги жараёнида фикрлар хилма-хиллиги муҳитини такомиллаштириш, сиёсий партияларнинг ташаббускорлик ролини янада юксалтириш имконини беради.

— Эндиликда сиёсий партиялар ўз фаолиятини, ҳаракат дастурларини қайта кўриб чиқмоқда. ЎзМТДП дастури ҳам мазкур қонуннинг моҳиятидан келиб чиқиб қайта ишланди ва ҳаракат дастури белгилаб олинди. Мамлакатимизда сиёсий партияларнинг эркин фаолият юритиши учун барча ҳуқуқий, иқтисодий асослар яратилган. Демак, қолган вазифаларни амалга ошириш ва аҳоли орасида партиянинг нуфузини кўтариш, халқ ичига кириб бориш аъзолар фаоллигига боғлиқ деб ўйлайман.

— Партия мазкур ваколатларни амалга ошириши учун биз, айниқса, электоратимиз ислоҳот жараёнларида фаол иштирок этиши зарур. Шунингдек, туб ўзгаришларни амалга ошириш учун амалий ишлар қилишимиз лозим. Электоратни ташаббускорликка, масъулиятни оширишга, ҳокимиятнинг вакиллик ва ижро органларини шакллантиришда сиёсий фаолликка ундайдиган ҳаракат дастури ва механизмларни ишлаб чиқишимиз зарур.

— Депутатлар гуруҳининг роли кескин даражада оширилиши партиянинг жамиятдаги ўрнини белгилаб беради. Афсуски, жойлардаги депутатларимизнинг фаолияти талабга тўла жавоб бермайди. Ҳозиргача фақат еттида ҳудудда депутатлар гуруҳлари мавжуд, уларнинг фаоллиги ҳам етарлича эмас. Партия фаоллари ва депутатлар гуруҳи мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётига оид муҳим масалани ҳозиргача ҳукумат ёки маҳаллий ҳокимият олдига олиб чиққан эмас. Қачон партиянинг роли ошади? Қачонки, партия ҳокимиятдан зиёда фикр ва таклиф айта олса ва унинг энг оптимал амалга ошириш йўлини, вариантини кўрсата олса! Ишни шундай тартибда йўлга қўйиш, амалий ишлар қилиш партия олдидаги муҳим вазифа деб ўйлайман.

— Парламент — жамият кўзгуси деб бекорга айтилмайди. Чунки жамиятдаги интилиш, фикр ва қарашлар парламентдаги муҳокама ва мунозараларда ўз ифодасини топиши лозим. Бугун «Миллий тикланиш» демократик партияси Олий Мажлис Қонунчилик палатасида 11 нафар депутатга эга. Ўтган йиллар давомида улар, яъни фракция аъзолари иштирокида мамлакат ҳаётида муҳим ўрин тутадиган қонунлар қабул қилинди. Ҳозирги кунда ҳам уларнинг бевосита иштирокида қатор қонунлар ишлаб чиқилмоқда. Бироқ партиянинг жамиятдаги ўрнини ҳудудий кенгашларда олиб борилаётган ишлар ҳам белгилаб беради. Назаримда, партия гуруҳларининг ролини ошириш вақти етди.

Р. ЗАРИПОВА: — Ҳуқуқий демократик давлатни, эркин фуқаролик жамиятини сиёсий партияларнинг иштирокисиз қуриб бўлмайди. 2008 йил биринчи январдан кучга киритилган Конституциявий қонун сиёсий партияларнинг ҳуқуқий нормаларини янада кенгайтирди. У бераётган ваколатлардан келиб чиқиб партиямиз ўз режаларини ишлаб чиқди. Жойларда йил давомида семинарлар ўтказилиши белгилаб олинди. Жумладан, Тошкент шаҳар кенгаши Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти билан ҳамкорликда партия аъзолари ўртасида ўқув-тренинглар ўтказишни режалаштираяпти.

— Мамлакатимизда сиёсий партияларнинг шаклланиши, уларнинг самарали фаолият юритиши учун аввало, ҳуқуқий асослар зарур эди. У яратилди. Бир сўз билан айтганда, қонун ўз вақтида қабул қилинди. Сиёсий партияларнинг ҳудудий бўлинмалари ҳам сезиларли даражада тажриба орттирди. Партиянинг бу йилги режасига қонун олдимизга қўяётган вазифалардан келиб чиқиб аъзоларнинг сиёсий билимини янада ошириш учун қатор семинар, илмий амалий конференциялар, депутатлар билан учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказиш каби зарур масалалар киритилди.

Давоми 2-бетда

ЁШЛАР — ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧ

Давоми. Боши 1-бетда

қизлари дунёнинг АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция, Япония сингари мамлакатларининг нуфузли илм даргоҳларида билим олдилар.

Мустақиллик йилларида бундай нодавлат тузилмалари тармоғи кенгайиб борди. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатидан ташқари яна "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми", Улуғбек жамғармаси, Болалар жамғармаси, «Соғлом авлод учун» жамғармаси ташкил топди. "Истеъдод" жамғармасида ҳам минглаб ёшлар ўз илмий ва касбий салоҳиятларини юксалтирдилар. Юртимизда 20 дан ортиқ давлат рўйхатидан ўтган болалар, ўсмирлар ва ёшлар ташкилоти фаолият юритмоқда. Вилоят, туман, шаҳар, ўқув юртлари, корхоналар, ташкилотлар ва бошқа меҳнат жамоаларида минглаб бошланғич ташкилотлар ёшларнинг манфаатлари ва эҳтиёжларини қондиришга доир дастурий мақсадларни амалга ошириш амалиётида фаол иштирок этмоқда. Собиқ иттифоқ даврида ягона комсомолдан бошқа ёшлар ташкилоти йўқ эканлигини эсласак, бу жуда ҳам катта воқеа эди.

"Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" ҳомийлигида минглаб ёшларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳияти юксалиб бормоқда, ҳар йили анъанавий тарзда "Келажак овози" республика ёшлар танлови ўтказиб турилиши натижасида энг иқтидорли ёшлар ўз илмий салоҳиятларини янада ривожлантириш учун йўлланмалар олмоқда. Улар, шубҳасиз, мамлакатнинг истиқболдаги ривожланиш даври учун юксак ҳисса олишга қобил бўлган асосий ителлектуал салоҳият соҳибларидир. Бугун ёш авлодга бўлган муносабат, уларга нисбатан олиб борилаётган соғлом сиёсат том маънода келажаги буюк давлат бўлган юртимизнинг тамал тошларидир. Ислоҳотларнинг дастлабки босқичида давлатнинг ўзи бош ислоҳотчи сифатида ёшларнинг жамоатчилик ташкилотларини тузишда ташаббус кўрсатди. Яна шу нарса аён бўлмоқдаки, ёшлар онги ва тафаккури ўзгариб боргани сайин улар ўзларининг талабларига жавоб берадиган, ўзлари учун зарур бўлган ташкилотларни мустақил ҳолда тузиш кўникмаларини эгалламоқда. Давлат ёрдамини кутиш ёки бақмандаликка берилмасдан ташкилотнинг моддий-техник аҳволини яхшилаш йўлларини қидириб топмоқда. Демократик жамиятнинг асосий хусусиятларини қарор топтиришда ёшлар фаоллик кўрсатаётганлиги ижобий бир ҳолдир.

Ёшлар ташкилотларининг фаолият турига назар солар эканмиз, уларнинг ёш авлодни маънавий-маърифий тарбиялаш, ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш, иш билан таъминлаш, турли касбларга йўналтириш, хорижий тилларни, замонавий технологиялар билан ишлашни ўргатиш, қайта касбий тайёргарликдан ўтказиш, ўз қобилиятларини намоён қилиши учун зарур шарт-шароитлар яратиб бериш, моддий қўллаб-қувватлаш каби кўплаб йўналишларда самарали фаолият олиб бораётганлигини кузатиш мумкин. Айниқса, улар ёшлар сиёсатининг муҳим таркибий қисми бўлган маънавий-маърифий тадбирларни амалга оширишда маънавият ва маърифат фаолиятини олиб борувчи ташкилотлар, Ёзувчилар уюшмаси, хотин-қизлар қўмиталари, «Маҳалла», «Олтин мерос», Амир Темур жамғармалари ва бошқа ташкилотлар билан амалий, узвий ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Тўғри, аҳолини, хусусан, ёшларни иш билан таъминлашда бошқа жамоат ташкилотлари ҳам фаоллик кўрсатмоқда. Масалан, «Тадбиркор аёл» ассоциацияси, хотин-қизлар қўмиталари, «Маҳалла» жамғармаси ана шулар жумласидандир. Хусусан, «Тадбиркор аёл» ассоциацияси чет эл инвестицияси ва грантлари, янги технологиялари асосида вилоятларда ёш қизларни бизнес билан шуғулланишлари учун турли касбларга ўқитишни ташкил қилиб келмоқда. Ўтган йилда Ижтимоий ҳимоя йили дастурини бажариш асосида ёш оилаларнинг муаммоларини ечиш, аввало, уй-жой сотиб олиш ва иморат қуриш, оиласини тиклаб олиш мақсадларида тижорат банклари томонидан 57 млрд. 500 млн. сўм миқдорида ипотека ва истеъмол кредитлари берилди. "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ёрдамида ёш оилаларга 2 млрд. 500 млн. сўмлик микрокредит, 1 млрд. 800 млн. сўмлик ипотека кредити, 1 млрд. 100 млн. сўмлик истеъмол кредитлари, олий ўқув юртларида таҳсил олаётган талабалар учун катта миқдорда грантлар ажратилди. Вилоятларда ёшлар марказлари очилиб, 195 минг нафар киши иш билан таъминланди.

Умуман давлат бугун ёш авлодни ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий тарбиялаш масалаларида уларнинг жамоат ташкилотлари фаолиятига, ташкилотчилик, ташаббускорлик ҳаракатларига катта умид боғламоқда. Зотан, навқирон авлоднинг самарали, ташаббускор фаолияти мамлакатимизнинг улкан ақлий ва меҳнат захирасига эга бўлган ёшлар салоҳиятини давлатимиз тараққиётини таъминлаш, унинг қудратини мустаҳкамлашга йўналтириш имкониятларини янада кенгайтиради. Ҳозир бу борадаги муаммони фақат ёшлар ташкилотларини фаоллаштириш, уларни ҳуқуқий ва моддий асослари яратилди.

Кўриниб турибдики, давлатимиз ёш авлоднинг баркамолликка эришиши, маънавий бой, ҳуқуқий ва сиёсий маданиятли бўлиши учун маблағини аямайди. Ҳозирги даврда ёшларни иқтисодий ва ижтимоий жиҳатлардан ҳимоя қилиш давлатимизнинг Президент И. Каримов томонидан ишлаб чиқилган кучли ижтимоий сиёсат юритиш принципининг ҳаётда ифодаланишидир. Айни пайтда мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш мақсадидан келиб чиқиб, келгусида ёшлар ташкилотлари фаолиятларини ҳар томонлама кафолатлаш, янги жамият қуришда уларнинг фаоллигини оширишга доир мақсад ва вазифалар "Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари" концептуал сиёсий дастурда мужассамлашган бўлиб, ундаги йўналишларни амалга ошириш жараёнлари собитқадамлик билан давом этмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон ёшлар ташкилотлари ва ҳаракатлари мамлакатимизда илғор ва ривожланган мамлакатлар тажрибасини қўллашда аввало миллий маънавият ва қадриятларимизга муҳим эътибор бериб борди.

Юртимизда мустақиллик даврида шаклланган ёшлар ташкилотларининг фаолиятини таҳлил ва тадқиқ этиш шуни кўрсатдики, улар Президент томонидан ишлаб чиқилган тамойиллар асосида ривожланди. Мустақиллик йилларида ёшлар ташкилотларининг уч гуруҳи шакланди. Биринчиси, ёшлар қатламлари ва гуруҳларига мос бўлган ижтимоий аҳамиятга молик йирик ташкилотлар. Бундай гуруҳ вакилларининг асосий мақсад ва вазифалари бўлиши билан бирга фаолиятларини кенг кўламда ташкил этган ҳолда, ёшларнинг барча масалаларини қамраб олишга интилади. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Соғлом авлод учун», «Умид» жамғармаси, Талабалар жамғармаси, Болалар жамғармаси кабилар шулар жумласидандир. Иккинчиси, ёшларнинг алоҳида қизиқиш ва манфаатларига хизмат кўрсатиш, ижтимоий ҳимоя мақсадида турли муассислар томонидан ташкил этилган марказлар, клублар, маслаҳатхоналар ва бошқалар. «Ёш олимлар» ассоциацияси, иқтисодий таълим беришга асосланган «Ёшлар ютуқлари», чекланган имкониятларга эга болаларни қўллаб-қувватловчи «Умидворлик», оила маданиятини ривожлантиришга оид «Баркамоллик» марказлари, «Аёл ва ёшлар ахборот маслаҳатхоналари» шулар қаторига киради.

Учинчиси, сиёсий тизимда ўзига хос бўлган янги ҳодиса — турли партиялар таркибида ёшларни ўз сафларига кўпроқ жалб қилиш, мустаҳкам, салоҳиятли ва ишончли резервни шакллантириш мақсадида пайдо бўлаётган сиёсий партияларнинг ёшлар қанотлари, ёш раҳбарлар клублари ва бошқа ҳаракат ҳамда ташкилотларда мавжуд ёшлар билан ишлашга қаратилган ҳар хил тузилмаларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Мустақиллик йиллари ёшлар ташкилотларини тузиш учун амалга оширилган ишлар, изланишлар даврини ташкил этди. Давлатнинг ўзи бош ислоҳотчи сифатида доимо ғамхўрлик қилиб келди, ижтимоий ҳимоя қилиш чора-тадбирларини амалга оширди. Мамлакат аҳолисининг деярли 64 фоизини ташкил этаётган жамият ёшлар ижтимоий қатламининг барча жиҳатларини ижтимоий ҳимоя қилиш, уларнинг фаоллигини ва интеллектуал салоҳиятини юксалтиришга доир барча шарт-шароитларни яратиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Мамлакатда Президент ташаббуси, ҳукуматнинг қўллаб-қувватлаши, ёшларнинг интилишлари самараси ўлароқ уларнинг манфаатлари ва эҳтиёжларини қондиришга йўғрилган демократик ташкилотлар ва ҳаракатлар шакланди. Ўз ўрнида давлатимиз ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуришга доир яратувчилик ишларида ёшларга катта умид билан қарамоқда. Айниқса, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ташкил топиши ва унинг давлат томонидан катта маблағлар ҳамда бошқа ресурслар билан таъминланиши қисқа муддатларда ўз самарасини бера бошлади. Янги асрнинг бошларига келиб мамлакатимизда ёшлар ташкилотларини янада такомиллаштириш, самарадорлигини ошириш мақсадида улар фаолиятларини кенгайтиришни ижтимоий жиҳатдан кафолатлаш, уларни эркинлаштириш асосида мустақил ташкилотлар сифатида фаолият юритишларини таъминлаш чоралари кўрилмоқда.

Мунирахон ҚОРИЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҚОНУН:

ПАРТИЯ ФАОЛИЯТИ ЮҚОРИ БОСҚИЧДА

Давоми. Боши 1-бетда

— Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари парламентда фракциялараро сиёсий кураш олиб бориш тажрибасини тобора ўзлаштириш баробарида ўз фаолиятларини кундан-кунга жонлантирмоқда. Қонунда биринчи бор "мухолифат" тушунчаси берилмоқда. Унинг 2-моддасига кўра сиёсий партиялар фракцияларининг блокга бирлашиши уларнинг мустақиллигини чекламаслиги, ўзини мухолифат деб эълон қилган сиёсий партия фракциясига қўшимча ҳуқуқлар берилиши ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Бу билан фракциялар ўз олдиларидаги вазифаларни эркин амалга ошириши учун ҳуқуқий кафолат яратилади. Мазкур моддада сиёсий партия томонидан номзоди кўрсатилган ва Қонунчилик палатасига сайланган депутат фақат шу партия фракциясининг аъзоси бўлиши мумкинлиги ҳам белгиланмоқда. Бу Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари ролини мустаҳкамлаш ва айрим депутатлар томонидан турли хил конъюнктуравий қарорлар қабул қилинишига олиб келиши мумкин бўлган ҳолатларни истисно этади.

— Партия дастуридаги эзгу ғояларни сафдошларимиз орқали халққа етказиш режасини ишлаб чиқиб, уни амалга ошираяпмиз. ЎзМТДП Тошкент шаҳар кенгаши ҳам олий ўқув юртлари, коллеж, мактаб ва маҳаллаларда учрашувлар уюштиришни режалаштираяпти. Бундай эзгу ишларни тўла йўлга қўйиш, ривожлантириш учун бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини янада кучайтириш зарур. Хуллас, қуйи орган партиянинг чин маънода таянчига айланиши керак.

Ж.ЧОРШАНБИЕВ: — Партия гуруҳлари ҳамма вилоятда бўлишига эришишимиз керак. Бунинг учун барча партия ташкилотлари жойларда олиб борилаётган ислоҳотларни чуқур билиши, аҳолининг иқтисодий, ижтимоий эҳтиёжларини ўрганиши ва улар асосида ўз дастурларини шакллантириши ва уларни амалга оширишда жонкуяр, ватанпарвар, фидоий кадрларни тайёрлашни амалда ташкил этиш лозим.

— Қонунда берилган ваколатларни партия ташкилотлари ўзига юкланган юксак маъсулият деб қабул қилиши лозим. Партия Марказий кенгаши ва ҳудудий кенгашларгина эмас, ҳар бир партия аъзоси, энг муҳими, депутатлар гуруҳлари бу масъулиятни чуқур ҳис қилиши талаб этилмоқда. Фракцияда, депутатлар гуруҳларида, барча партия ташкилотларида ушбу қонун юзасидан ўқув машғулотлари ташкил қилиниши керак. Чунки қонун бераётган ваколат ва вазифаларни хайрихоҳ ҳам, партия аъзоси ҳам, заҳирадаги кадр ҳам чуқур билиши зарур.

— Ҳали партия кадрлари бунга тўла-тўкис тайёр деб бўлмайди. Конституциявий Қонун 2007 йил апрелда қабул қилинган бўлса-да, жорий йилнинг 1 январидан кучга киритилди. Ўтган нисбатан қисқа давр ичида унинг мазмун-моҳиятини ўрганиш ва амалиётга жорий этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат ва жамият қурилиши академияси, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти томонидан маҳаллий кенгаш депутатлари ўртасида ўқув машғулотлари, семинарлар ва бир қатор тадбирлар ўтказилди. Бу албатта, мақсадга тўла эришилди дегани эмас, тадбирларни кўпайтириш, улар кўламини марказдан жойларга кўчириш лозим.

— Фракция аъзоси сифатида Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти томонидан барча партиялардан ҳокимият вакиллик органларига сайланган депутатларнинг мазкур қонунни ўрганиши юзасидан ташкил этилган семинарда машғулот ўтказдим. Қонун моҳиятини жойларда тарғиб этиш бўйича Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида ўтказилган йиғилишларида маърузалар билан иштирок этдим, депутат сифатида сайловчиларим билан учрашув ўтказдим. Марказий кенгаш Раёсати аъзолари билан биргаликда янги режалар тузаяпмиз. Келгусида мазкур қонун партия ҳаётининг энг муҳим қонунига айланишига ишонаман.

Гули ОЛИМОВА
ёзиб олди.



Мирфозил Мирзааҳмедов республикамизнинг таниқли математик олими. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи. Ўзбекистон Миллий университети математика факультетининг «Умумий математика» кафедраси мудири, «Эҳтимоллар назарияси ва математик статистика» кафедраси профессори, университет қошидаги С. Сирожиддинов номли лицей-интернат директори бўлиб ишлади. 1971-2006 йилларда Халқ таълими вазирлиги қошидаги математика бўйича илмий-методик кенгаш аъзоси сифатида фаолият кўрсатди. Унинг бевосита илмий раҳбарлигида 14 та фан номзоди (шулардан биттаси фан доктори бўлган) тайёрланди. 4-синфдан 11-синфгача «Математика», «Алгебра», «Алгебра ва анализ асослари» дарсликлари муаллифларидан бири.

ЖОНЛИ ЭНЦИКЛОПЕДИЯ

Умр — оқар дарё, деб бежиз айтишмаган. Қарангки, Мирфозил билан илк бор учрашганимга ҳам ярим асрдан кўпроқ вақт ўтибди. Мен 1957 йилда математика факультетида меҳнат фаолиятимни бошладим ва биринчи курс талабаларига амалий машғулотлар ўтказдим. Шунда ўзининг билими, фикр-мулоҳазаси, одоби билан бошқалардан ажралиб турган бир талаба эътиборимни жалб қилди. Бу — Мирфозил эди. У 1962 йилда олий ўқув юртини имтиёзли диплом билан тугатди. Иқтидорли йигитчани таниқли олим Саъди Сирожиддинов аспирантурага қабул қилди. Мирфозил кейинчалик Сирожиддинов илмий мактабининг ёрқин қобилиятли, кўзга кўринган намояндаларидан бирига айланди. У 1972-1986 йилларда кафедра мудири бўлганда ўқув жараёнини такомиллаштириш, факультетимизнинг илмий марказлар билан алоқасини кенг йўлга қўйиш, алоқаларни янада мустаҳкамлаш, мактаб ўқувчиларини илмий-методик адабиётлар билан таъминлаш ишига катта ҳисса қўшди.

1992-1996 йилларда лицей-интернат раҳбари лавозимида ишлаган йилларида мени ҳам лицейга жалб қилди. Ўқитувчиларни математика билан иқтисодиётнинг туташ нуқталарини топиш, шу асосда ўқувчиларга сабоқ беришга даъват этди. Ўқитилажак предмет номини шартли равишда «математика ва иқтисодиёт» деб атадик. Ўқув курсининг дастури, дарс ишланмалари тузилди, бир неча бор тажрибадан ўтказилди. Курс бўйича тузилган дастур ва фаннинг ўзи ҳам республика лицейларида, коллежларида ўтиш учун тавсия этилди.

Мирфозил лицейда ишлаган йилларида ўқув ишларини юқори поғонага кўтарди. Дарс жараёнига янги махсус курслар киритилди, тўгарак ишлари йўлга қўйилди. Ўқувчиларнинг илмий конференциялари ҳар йили ўтказиб турилди. Талабалар бу анжуманларда илмий маърузаларини рус, инглиз, немис тилларида қилишди. Қатор гуруҳларда алгебра, геометрия дарслари инглиз тилида олиб борилди. Қилинган хатти-ҳаракатлар ўз натижасини берди. Талабалар республика олимпиадаларида нуфузли ўринларни эгаллашга муваффақ бўлишди. Лицей талабалари Мирфозилни жуда ҳурмат қилишарди. Уни катта олим, ўз фанининг билимдони, меҳрибон ва талабчан раҳбар сифатида тан олишарди. Талабалар билан савол-жавоб кечалари, шоир-ёзувчилар, етук олимлар билан учрашувлар тез-тез ўтказиларди. Мен ҳам бу учрашувларда қатнашардим. Мирфозил нафақат математикани, балки бошқа ўқув фанларини ҳам яхши билгани учун талабалар уни «жонли энциклопедия» дейишади.

Мен айрим ўқув қўлланмаларимни ёзиш жараёнида Мирфозилнинг маслаҳатларидан фойдаланганман. Хусусан, «Даврий касрлар ва улар устида амаллар», «Иқтисодчилар учун математика» каби қўлланмаларим шулар жумласидандир. Ўзбекистон Миллий университети газетасида олимнинг кўплаб мақолалари чоп этилган. Шулардан бири журналистика соҳаси бўйича эди. Унда университетда халқаро журналистлар тайёрлаш, журналистнинг соҳалар бўйича мутахассислашиши масалалари кўтарилган эди. Қарангки, бу эндиликда ўз ечимини топди, амалга ошди.

Мирфозилнинг «Навоийни ўргатинг менга» («Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, 1989 йил 7 апрель) мақоласида мазкур газета сарлавҳаси ёнида Навоий расмини бериш, Навоий мукофотини таъсис этиш масалалари қўйилганди. Бу фикр амалга ошди.

Мирфозил билан математикага қобилиятли, иқтидори бор ўқувчиларнинг «Республика ёзги мактаби»да кўп йиллар давомида биргаликда қатнашганмиз. Аслида, мени бу ишга жалб қилган ҳам Мирфозил бўлади.

Мирфозил Ўзбекистон Миллий университети математика факультетида 35 йилдан ортиқроқ ҳалол ва сидқидилдан меҳнат қилди. Оддий ассистентликдан профессор, кафедра мудири лавозимигача бўлган йўлни сабот-матонат билан босиб ўтди, катта обрў-эътиборга сазовор бўлди. Уни талабалар, жамоамиз дилдан ҳурмат қилишади. Шундай шогирдим билан фахрланаман.

Ғаффор НАСРИТДИНОВ,
Ўзбекистон Миллий университети профессори.

Юртимиз зиёлилари

КУН ТАРТИБИДА ИШ РЕЖАСИ

«Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий кенгашининг IV Раёсат йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Раёсат аъзолари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, партия Марказий кенгаши девони ходимлари, Самарқанд, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоят кенгашлари раислари иштирок этди. Йиғилишни парламент қуйи палатаси Спикери ўринбосари, партия Марказий кенгаши раиси Хуршид Дўстмуҳамедов олиб борди.

Раёсат йиғилиши

Раёсат йиғилишида партия Марказий кенгашининг жорий йил биринчи ярмига мўлжалланган иш режаси муҳокама қилинди. Таъкидландики, партия халқимизнинг бой анъаналари, урф-одатлари, қадриятларидан келиб чиқиб ўз иш режасини тузса, мақсадга мувофиқ бўлади. Аслида бундай тажриба айрим вилоят ва туман кенгашлари фаолиятида учрайди. Фақат уларни такомиллаштириш, зарур бўлса турли шаклда ташкил этиш ва оммалаштириш керак, холос. Ана шунда партиянинг одамлар орасига кириб бориши осон кечади, унинг мавқеи ҳам шубҳасиз ортади. Мазкур масала Раёсат аъзолари томонидан қизғин муҳокама қилинди. Раёсат аъзоларидан Абдуғафур Маматов, Жума Чоршанбиев, Лола Саидова ўз тавсияларини билдиришди. Шу билан бирга, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Шарифа Салимова, Раъно Зарипова, партия Марказий кенгаши раиси ўринбосари Хайринисо Мирзажонова, Самарқанд, Сурхондарё, Қашқадарё вилоят кенгашлари раислари Абдуқаюм Каримов, Исомиддин Адинаев ва Эгамберди Хўжаевлар ўз фикр-мулоҳазаларини айтишди.

Шунингдек, партия фаолиятини жонлантириш, айниқса, «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун кучга кирганлиги ва жорий йилнинг Ёшлар йили деб эълон қилинганлигини муносабати билан партия олдида турган долзарб вазифалар қизғин муҳокама қилинди. Мазкур масала юзасидан ҳам Раёсат аъзолари ўз таклифларини билдиришди.

Партия Марказий кенгаши девони бош ҳисобчиси Райҳон Бобомирзаева «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги Қонуннинг ўтган йилдаги ижроси, давлат бюджетидан ажратилган маблағларнинг сарфланиши ва 2008 йилда бюджетдан ажратилиши кўзда тутилаётган маблағлар тўғрисида ахборот берди. Мазкур масала Раёсат аъзолари томонидан маъқулланди.

Раёсат йиғилишида, шунингдек, партия ҳаётига оид бошқа бир қатор муҳим масалалар муҳокама қилинди. Кун тартибидаги масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ҳ. КАРИМОВ.

ФАОЛЛАР ТАШАББУСИ

ЎзМТДП Бухоро вилоят кенгаши ташаббуси билан "Ёшларнинг сиёсий фаоллигини ошириш истиқболлари" мавзуида тадбир ташкил этилди.

* * *

Партиянинг Боёвут туман кенгаши томонидан "Ёшлар — юрт таянчи" мавзуида йиғилиш ўтказилди.

* * *

ЎзМТДП Сурхондарё вилоят кенгаши ташаббуси билан "Соғлом миллат — мустақиллик пойдевори" мавзуида тадбир бўлиб ўтди.

* * *

Партиянинг Бухоро шаҳар кенгаши хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда "Аёл — оила таянчи" мавзуида давра суҳбати ўтказди.

* * *

ЎзМТДП Қизириқ туман кенгаши томонидан "Мардлар қўриқлайди Ватанни" мавзуида учрашув ташкил этилди.

ЎзМТДП Марказий кенгаши Матбуот хизмати.

Мамлакатимизда ички ишлар идоралари фаолиятини ва милиция таянч пунктлари инфратузилмасини такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар ўз самарасини бермоқда.

НАМУНАЛИ МИЛИЦИЯ ТАЯНЧ ПУНКТИ

Замон талаблари асосида қурилаётган милиция таянч пунктлари атрофида турли тўгараклар, кичик бизнес шохобчалари, вояга етмаганлар ва ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш учун зарур анжомлар билан жиҳозланган спорт майдончалари ҳам барпо этилмоқда. Яратилаётган бундай шарт-шароит ва имкониятлардан самарали фойдаланиш, профилактика инспекторларининг жамоатчилик билан ҳамжиҳатлигининг тобора мустаҳкамланаётгани муваффақиятлар омили бўлмоқда.

Профилактика инспекторлари, маҳалла оқсоқоли, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи, хотин-қизлар қўмитаси, яраштириш комиссияси ва посбонларнинг бир жойда, замонавий жиҳозлар ва зарур алоқа воситалари билан таъминланган биноларда фаолият юритаётгани иш самарадорлигини оширмоқда.

Пойтахтимизнинг Собир Раҳимов тумани "Истиқлол" маҳалласининг Хастимом мажмуасида жойлашган 183-милиция таянч пункти шулардан биридир. Ўтган йили мазкур мажмуада амалга оширилган бунёдкорлик ишлари жараёнида милиция таянч пункти профилактика инспекторларининг жамоатчилик билан яқин ҳамкорликда фаолият юритиши учун қулай шароит яратилди. Бунинг натижасида 2007 йили ушбу ҳудудда бирорта ҳам жиноят қайд этилмади.

Шу боис "Истиқлол" маҳалласи милиция таянч пункти пойтахтимизда 2007 йил натижалари бўйича ўтказилган «Намунали милиция таянч пункти» кўрик-танловида биринчи ўринни қўлга киритди.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири.

Ғолиблар тақдирланди

Пойтахтимиздаги "Radisson SAS Tashkent" меҳмонхонасида Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг 5-танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Унда республикамизда фаолият кўрсатаётган сиёсий партиялар, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Танловга мамлакатимизнинг турли ҳудудларидаги нодавлат нотижорат ташкилотларининг етмишдан ортиқ лойиҳалари тақдим этилган эди. Шуларнинг йигирмадан ортиғи ғолиб деб топилди. Булар орасида "Келажак овози", "Меҳр кўзда", "Аёл ва шодлик", "Юксак парвоз", "Мадад" сингари ташкилотлар бор.

Адибахон ҒАЙРАТ қизи.
Азамат АҲМАД олган суратлар.

Президентимиз томонидан 2008 йилнинг Ёшлар йили деб эълон қилиниши, "Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган давлат дастурини тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармойишнинг қабул қилиниши Ўзбекистон Республикасининг "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонунининг кучга киритилиши ёш авлоднинг баркамол ривожланиши, билим ва касб эгаллаши, жамиятда ўзининг муносиб ўрнини топиши ҳамда фаровонлиги учун барча шароитлар яратилаётганининг яққол исботидир.

ФАРЗАНДЛАРИМИЗ ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯДА

Парламент соати

Юртимиз мустақилликка эришганидан сўнг ратификация қилинган биринчи халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлардан бири «Бола ҳуқуқлари тўғрисида"ги Конвенция бўлди. 1992 йилда Конвенцияга қўшилгач Ўзбекистон Республикаси бола ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш бўйича қатор халқаро-ҳуқуқий мажбуриятларни ўз зиммасига олди. Шуни таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда мазкур мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш ва халқаро-ҳуқуқий меъёрларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш бўйича муайян ишлар амалга оширилди. Мавжуд қонунчиликда бола ҳуқуқлари ва манфаатлари, шунингдек, уларнинг ҳимоясига алоҳида ўрин берилди.

Бола ҳуқуқлари ҳимояси бўйича қонунчиликнинг асоси Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ҳам ўз ифодасини топган. Унга кўра, фарзанд дунёга келиши билан инсон ҳамда фуқаро ҳуқуқ ва эркинликларига эга бўлади ва унинг ҳимояси давлат томонидан кафолатланади. Асосий Қомусимизнинг 65-моддасига мувофиқ фарзандлар ота-оналарининг насл-насаби ва фуқаролик ҳолатидан қатъий назар қонун олдида тенгдирлар. Оналик ва болалик эса давлат томонидан муҳофаза қилинади.

Бола ҳуқуқлари ҳимояси бўйича амалдаги қонунчилигимиз Конституциямиз меъёрларига мувофиқ «Бола ҳуқуқлари тўғрисида"ги Конвенциянинг талабларига асосан ривожлантирилмоқда. Унда белгилаб берилганидек, боланинг асосий ҳуқуқлари, уларни ҳимоя қилиш Ўзбекистон Республикаси фуқаролик, оила, меҳнат, жиноят, жиноят-процессуал ва бошқа бир қатор кодексларида қайд этилган. Мазкур нормаларнинг қабул қилиниши бола ҳуқуқлари ҳимояси тўғрисидаги қонунчилик ривожига катта ҳисса қўшди.

Бугунги кунга қадар БМТнинг Бола ҳуқуқлари бўйича қўмитасига ушбу Конвенция талабларини бажариш юзасидан Ўзбекистон Республикасида бажарилаётган ишлар ҳақида иккита миллий маъруза тақдим этилди. Уларни кўриб чиқиш натижалари бўйича БМТнинг Бола ҳуқуқлари қўмитаси якуний кузатишларни ишлаб чиқиб, унда давлат томонидан эътибор қаратилиши талаб этувчи соҳалар кўрсатилди ва бола ҳуқуқларини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш бўйича тавсиялар берилди. Уларда қонунчиликни такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Якуний мулоҳаза ва тавсияларни амалга ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси томонидан Миллий ҳаракат дастури ишлаб чиқилиб, 15 дан ортиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Ўзбекистонда болаларни ҳимоя қилишга доир мукаммал институциявий тизим яратилди.

Бу бола ҳуқуқлари ва уларнинг ҳимояси бўйича давлат кафолатини таъминловчи алоҳида қонун ҳужжатини қабул қилиш заруратини тақозо этарди. Мамлакатимиз ҳукумати ўсиб келаётган авлодга эътиборни янада оширишни назарда тутган ҳолда бола ҳуқуқларига оид миллий қонунчилигимизни янада такомиллаштириш мақсадида Президентимизнинг 2007 йил 23 январдаги "Ижтимоий ҳимоя йили" давлат дастури тўғрисида"ги Фармони асосида Ўзбекистон Республикасининг "Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида"ги Қонуни лойиҳасини Олий Мажлис Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритди. Мазкур Қонун Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасининг депутатлари томонидан маромига етказилиб, Россия Федерацияси, Белорусь, Литва, Руминия каби 10 га яқин хорижий давлатларнинг бу борадаги қонунчилик амалиётининг илғор тажрибалари асосида такомиллаштирилди. Қонун "Бола ҳуқуқлари тўғрисида"ги Конвенция ва БМТнинг Бола ҳуқуқлари қўмитаси тавсияларида кўрсатилган халқаро стандартлар талаблари билан уйғунлаштирилди.

Бола ҳуқуқлари ёки бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисидаги алоҳида қонун қабул қилган қатор хорижий мамлакатларнинг тажрибасини ўрганиш бундай ислоҳотларнинг самаралилигини кўрсатди. Бу ҳуқуқий тизим халқаро келишувлар қоидаларининг тўғридан-тўғри татбиқини назарда тутмайдиган мамлакатлар учун муҳим аҳамиятга эга. Қабул қилинган қонунда "Бола ҳуқуқлари тўғрисида"ги Конвенцияда баён этилган бола ҳуқуқларининг бутун мажмуи ифода этилиб, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларида назарда тутилган бола ҳуқуқларининг асосий ва қўшимча кафолатлари мустаҳкамланди.

Энг муҳими, қонунда бола ҳуқуқларини таъминлаш соҳасида давлат ҳокимияти ва бошқарувининг марказий ва маҳаллий органлари ваколатларини ажратиш назарда тутилиб, давлат органларига бола ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш соҳасидаги ҳуқуқий ҳамда ижтимоий-иқтисодий стратегияни шакллантириш, маҳаллий органларга эса уларни бевосита мамлакат ҳудудларида тадбиқ этиши белгилаб қўйилди. Шунингдек, бола ҳуқуқларини таъминлаш бўйича ихтисослаштирилган органларни ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари яратилди.

Ушбу Қонун ўз мазмунмоҳиятига кўра ўзига хос бўлиб, унда боланинг яшаш ва соғлом ривожланиш, шахсий дахлсизлик, индивидуаллик ва уни сақлаб қолиш, ўз фикрини ифода этиш, ахборот олиш, дам олиш ва бўш вақтга эгалик қилиш, меҳнат қилиш ҳуқуқи, таълим олиш, эксплатациянинг барча шаклларидан ҳимояланиш каби фикр, виждон ва эътиқод эркинлиги, уюшма, тинч йиғилишларда иштирок этиш эркинлиги, муносиб ҳаёт кечиришга бўлган ҳуқуқлари ўз ифодасини топди.

Қонунга Ўзбекистон Республикасида болалар ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган алоҳида боб киритилди. Мамлакатнинг инсон ҳуқуқларини таъминловчи тизимига ижро этувчи сифатида ҳокимият органлари, жамоатчилик ва бошқа ташкилотлар, уюшмалар, шунингдек, бола ҳуқуқларини таъминлашда иштирок этувчи фуқаролар белгиланди. Ижро этувчи органлардан "Бола ҳуқуқлари тўғрисида"ги Конвенция тамойиллари, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг бажарилишини таъминлаш, мувофиқлаштириш ва бошқарувини амалга ошириш талаб этилади. Бу борадаги муҳим вазифаларни амалга ошириш ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши бошқарувини амалга ошириш, халқ таълими, мактабгача ва мактабдан ташқари тарбия, шунингдек, мактаб-интернатлар, болалар уйлари, махсус мактаблар маҳаллий ҳокимият органлари зиммасида бўлганлиги сабабли жойлардаги давлат ҳокимияти органларига юкланди.

Яқинда "Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази жамиятимизда рўй бераётган туб ўзгаришлар шароитида Ўзбекистон ёшларининг муҳим устувор вазифалари ва ижтимоий нуқтаи назарини аниқлаш мақсадида навбатдаги ижтимоий сўровни ўтказди. Унда ёшларимизда ҳаётий позициянинг шаклланганлигини, ватанпарварлик ва фуқаролик туйғуси барқарор ўсганлигини, аксарият қисмининг ўзини ватанпарвар деб ҳисоблаши, уларнинг Ватанга садоқатли ва фидокорона хизмат қилиш, эл-юрт ҳимояси, халқимиз довруғини дунёга ёйишда иштирок этишга интилиш каби шахсий фазилатларга эга бўлаётганлигини қайд этди.

Президентимизнинг юксак минбардан туриб ёшларимизга қарата айтган "Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт" деган чақириқларини амалга ошириш учун яна бир янги ҳуқуқий ҳужжат дунёга келди. Ушбу қонуннинг амалиётда татбиқ этилиши жамиятни янгилаш ва демократлаштириш жараёнида ёшларнинг фаоллигини янада кучайтиради. Энг муҳими, Қонунчилигимиздаги бундай қадам мамлакатимизнинг демократик тараққиёт йўлидан собитқадамлик билан олға бораётганлигининг далолатидир.

Жума ЧОРШАНБИЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

ЯНГИ ЙИЛ ЯНГИ УЙДА

Ёшлар — миллат давомчилари, юрт эгаси, келажак ворислари. Шу боис узоқни ўйлаб иш кўрадиган давлатлар ёшлар камоли йўлида ҳеч нарсани аямайди. Ўзбекистон ҳам бунга яққол мисолдир. 2008 йилнинг Ёшлар йили деб эълон қилиниши ёш авлодга дахлдор ишларнинг режали ва изчил давом эттирилишидан дарак беради.

Ёш оилаларнинг ўз уйи, зарур рўзғор буюмлари бўлганига нима етсин. Орзу-режаларнинг рўёбга чиқиши учун маблағ керак.

— Бу масалада масъулиятни давлатимиз ўз зиммасига олмоқда. Ана шундай ғамхўрлик туфайли мен ҳам уйлик бўлдим, — дейди Хуршед Носиров. — Президентимизнинг 2007 йил 18 майдаги «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони асосида «Ипотека банки» 25 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредит берди. Маблағга Каттақўрғон шаҳрининг Мирзо Улуғбек кўчасидаги 6-уйни сотиб олдим. Ҳозир ўз уйимда яшаяпман. Илгари бундай уй-жой олиш учун узоқ йиллар кутишга тўғри келарди.

Самарқанд шаҳар Акмал Икромов кўчасидаги 25-уйнинг 7-хонадонида яшовчи Фазлиддин Темиров ҳам 20 миллион сўм ипотека кредити ҳисобига ҳозир яшаб турган уйини олганлигидан бахтиёр.

— Менга ҳам 1 миллион 240 минг сўм кредит олиб, рўзғоримни бутлаб олдим, — дейди Самарқанд шаҳрида истиқомат қилувчи Азиз Усмонов. — Ёшларга кўрсатилаётган бундай ғамхўрликлар зиммамизга катта масъулиятлар ҳам юклайди, албатта.

Фармон ва ижро

Вилоят Марказий банки бошқарувчиси ўринбосари Абдувоҳид Тамиқаев молиявий муассасаларнинг бундай хайрли ишлари хусусида гапираркан, қуйидаги рақамларни келтирди: ўтган йилнинг 11 ойи давомида тушган 3573 та ариза қаноатлантирилди. Уларга жами 8815,8 млн. сўм кредит ажратилди. Шу жумладан, уй-жой, ҳовли харид қилиш ёки қуриш учун 173 нафар ёшга 3994,1 млн. сўм, истеъмол буюмлари харид қилиш учун 1716 оилага 2249 млн. сўм берилди. Тадбиркорликни йўлга қўйишни истаган 1684 нафар ёшга эса 2572,8 млн. сўм микрокредит ажратилди. Натижада 1491 та янги иш ўрни яратилди.

Бундай хайрли ишларда Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки вилоят бошқармасининг ҳам улуши салмоқли бўлди. Мазкур молиявий муассаса орқали 276 нафар ёш 2171,6 млн. сўмлик кредит олишга муваффақ бўлди. Халқ банки (2114,0 млн. сўм), «Микрокредитбанк» (1265,8 млн. сўм), «Пахтабанк» (1116,0 млн. сўм) жамоалари ҳам муносиб хизмат кўрсатишди.

Умуман, тижорат банклари томонидан ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида берилган кредитларни шаҳарлар ва туманлар бўйича таҳлил қилганимизда ҳам барча ҳудудда муайян ишлар амалга оширилганини кўриш мумкин. Масалан, Самарқанд шаҳрида 546 оилага 2027,1 млн. сўм ажратилган бўлса, Каттақўрғон шаҳрида 396 оилага 808,5 млн. сўм берилган. Кредит олиш имкониятидан фойдаланган оилалар сони Булунғур туманида 154 тани ташкил этган бўлса, Қўшработ туманида ҳам бу кўрсаткич шунчани ташкил қилди.

Айтиш лозимки, вилоятдаги барча банкларнинг самарали фаолият кўрсатиши, ёш оилаларни янада кўпроқ қўллаб-қувватлаши Марказий банк томонидан қатъий назоратга олинган.

Ўктам ҚУРБОНОВ,
«Миллий тикланиш» мухбири.

ЖУРНАЛИСТЛАР УЧУН МАТБУОТ АНЖУМАНИ

Самарқанд вилоятида ёшлар учун барча шароитлар яратилмоқда

Самарқанд вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи Аъзамхон Бахромов оммавий ахборот воситалари ходимлари билан вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг 2007 йилни якунлари ва 2008 йилдаги устувор вазифаларга бағишланган матбуот конференциясини ўтказди. Анжуманда Ижтимоий ҳимоя йили якунлари ва Ёшлар йилида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар хусусида сўз юритилди.

Шуниси қувончлики, иқтисодий ўсиш ёш авлод таълим-тарбиясида барқарор ривожланишни таъминламоқда. Хусусан, халқ таълими тизимида Давлат умуммиллий дастурига асосан 2004-2007 йиллар давомида 21 та янги мактаб фойдаланишга топширилди. 138 та мактаб капитал реконструкция қилинди. 9 та Меҳрибонлик уйи, махсус мактаб-интернат, 17 та мактабгача таълим муассасаси тубдан қайта таъмирланди.

Ўтган ўқув йилида умумтаълим мактабларининг 9-синфларини 73941 нафар ўқувчи битирди. Улар академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ўқишни давом эттиришмоқда. Ёшларнинг илм олиши, касб-ҳунар ўрганишлари учун барча шароит муҳайё. Зеро, Президентимиз Конституциямиз қабул қилинганлигининг 15 йиллигига бағишлаб ўтказилган тантанали маросимда таъкидлаб айтганидек, ёшларимиз бизнинг таянчимиз, ишончимиз ва келажагимиздир.

Вилоятда 1998-2007 йилларда 14 та академик лицей, 112 та янги касб-ҳунар коллежи ишга туширилди: ушбу ўқув юртларида 99,4 минг нафар йигит-қиз 200 дан ортиқ мутахассисликлар бўйича сабоқ олишмоқда. Ўқув масканлари энг замонавий андозаларда жиҳозланган. Улар ўқув лаборатория жиҳозлари, компьютер синфхоналари, устахона, автомашиналар ва қишлоқ хўжалик техникалари билан таъминланган. Тизимга чет эл инвестицияларини жалб қилиш, халқаро фондлар, грантлар олиш соҳасида ижобий натижаларга эришилмоқда. Касб-ҳунар коллежларининг 5 таси Япония ҳукуматининг, 3 таси Осиё тараққиёт банкининг, 2 таси Германия техникавий ҳамкорлик жамиятининг ва 18 таси Жанубий Корея кредитлари ҳисобидан жиҳозланди. Бу эса ўз самарасини бермай қолмаяпти, албатта. 2006-2007 ўқув йилида академик лицейларни битирган ўғил-қизларнинг 51,5 фоизи олий ўқув юртларига ўқишга киришга муваффақ бўлишди. Коллежларни битирганларнинг 76,7 фоизи эгаллаган касблари бўйича меҳнат қилмоқда.

Ёшлар йили дея эълон қилинган 2008 йилда вилоятда ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришни 2007 йилдагига нисабатан 8,6 фоизга ошириш режалаштирилган. Умумтаълим мактаблари, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари, олий ўқув юртларида ислоҳотлар давом эттирилади. Хусусан, ўқувчи, талабалар учун 12 та умумий овқатланиш шахобчаси, 43 та модалар ательеси, 88 та сартарошхона, 63 та пойабзал таъмирлаш устахонаси, 30 та суратхона, 3 та ҳаммом фойдаланишга топширилади.

Ўктам ҚУРБОНОВ,
«Миллий тикланиш» мухбири.

Миллати соғлом юртнинг ҳаёти тинч, турмуши фаровон бўлади. Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган кенг миқёсдаги ислоҳотлар шу қутлуғ мақсадга хизмат қилади. Юртбошимизнинг "Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ эл соғлиғи юрт бойлигига айлантирилмоқда.

Пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги 4-масъулияти чекланган жамиятга қарашли стомотологик поликлиниканинг аҳил жамоаси ҳам аҳолига қирқ беш йилдан бери намунали тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда. Хуршид Мўминов раҳбарлик қилаётган мазкур поликлиника юқори сифатли, замонавий технологиялар билан таъминланган. Шу ўринда даволаш бўлими бошлиғи Раъно Субҳонова раҳбарлигида фаолият юритаётган Асқар Ҳасанов, Жавдат Зокиров, Ғофур Содиқов, Гўзал Ҳасанова, Доно Холмуҳамедоваларнинг хизматларини алоҳида таъкидлаш жоиздир.

Адиба ФАЙЗ.
Суратда: 1-тоифали терапевт-стоматолог Доно Холмуҳамедова билан ҳамшира Гўзал Ҳасанова иш устида.
Азамат АҲМАД олган сурат.

МЕҲНАТ ҚОНУНЛАРИНИ БИЛАСИЗМИ?

Таҳририятимизга келаётган мактублар орасида ишчи-ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларига оид саволлар ҳам бор. Муштарийларнинг саволлари асосан туман ва шаҳар ҳудудларидан бўлгани учун Чиноз туман Бандликка кўмаклашувчи марказнинг давлат меҳнат ҳуқуқи инспектори Холида ЮСУПОВАдан уларга жавоб беришни илтимос қилдик.

— Ширкат хўжаликлари тугатилиб, ерлар фермерлар ихтиёрига берилди. Аввал ширкат хўжалигида ишлаган фуқароларнинг меҳнат дафтарчалари энди қайси тартибда юритилади? Демоқчиманки, аксарият янги ташкил топган фермер хўжаликларида ҳужжатлаштириш ишларида камчиликлар борлигидан кўз юмиб бўлмайди. Давлатимиз қонунчилигига кўра фермер хўжалиги раиси хўжалик аъзоларининг меҳнат дафтарчасини юритиш ҳуқуқига эгами?

— Тўғри, кўпинча янги тузилган фермер хўжаликларида ҳужжатлаштириш ишларига эътиборсизлик билан қаралмоқда. Бу эса меҳнат қонунчилигига зиддир. Фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоялаш мақсадида жойлардаги Бандликка кўмаклашувчи марказлар томонидан режали текширишлар ўтказилади.

Президентимизнинг 2006 йил 21 ноябрдаги «2007 йилда қишлоқ хўжалик корхоналарини фермер хўжаликларига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ тугатилган ширкат хўжаликлари тасарруфидаги ерлар фермерларга бўлиб берилди. Аввал ширкат хўжалигида ишлаган фуқаролар фермер хўжалигида ишни давом эттиришса, уларнинг меҳнат дафтарчалари фермер хўжалиги раиси томонидан юритилади, аксинча бўлса, уларнинг ўзига қайтарилади. Ширкат аъзолари меҳнат дафтарчасини қайтариб олмаган тақдирда у туман архивида сақланади.

— Кадрлар бўлими мавжуд бўлмаган айрим кичик корхона ва ташкилотларда қандай иш юритилиши қонуний ҳисобланади?

— Корхона ва ташкилотларда ходимлар бўлими бошлиғи лавозими бўлмаган тақдирда, ушбу лавозим мажбуриятлари корхонада ишлаётган мутахассислардан бирига буйруқ чиқариш орқали бириктириб берили-

Мутахассис маслаҳати

ши ҳам мумкин.

— Айрим ўриндошлик асосида ишлайдиган фуқаролар иккита меҳнат дафтарчаси билан ишлашади. Бу тўғрими?

— Адлия вазирлигида 1998 йил 29 январда рўйхатга олинган 402-сонли йўриқномага кўра, меҳнат дафтарчасини юритиш тартибига риоя қилиниши устидан назорат ўрнатилган тартиб асосида прокуратура органлари, меҳнат ҳуқуқ инспекциялари, касаба уюшмалари ҳамда бўйсуниши бўйича ўзидан юқори турувчи идоралар томонидан олиб борилади.

Ҳар бир ходимга фақатгина битта меҳнат дафтарчаси юритилади. Агарда айрим сабабларга кўра ходимда икки ёки ундан ортиқ меҳнат дафтарчаси мавжуд бўлса, кейингилари шундай мавжудликни аниқлаган иш берувчи томонидан бекор қилинади. Бундай ҳолда кейинги меҳнат дафтарчаларидаги ёзувлар учун шу иш берувчи масъул бўлмайди.

— Меҳнат дафтарчаси ўз аҳамияти билан аслида ҳар бир фуқаронинг иккинчи паспорти ҳисобланади. У йўқолган ҳолда кимга мурожаат қилинади?

— Меҳнат дафтарчалари йўқотиб қўйилган тақдирда, шунингдек, фойдаланиш учун яроқсиз бўлиб қолган (йиртилган, ёнган, ёзувлари бўялган) ҳолларда унинг дубликати ходимнинг охирги иш жойидан берилади. Меҳнат дафтарчасини йўқотган шахс бу тўғрида зудлик билан охирги иш жойига ёзма хабар бериши лозим. Хабарномадан сўнг 15 кундан кечиктирмасдан иш берувчи томонидан ходимга янги меҳнат дафтарчаси берилади. Уни юритишдан аввал биринчи бетининг юқори қисми ўнг томонига «дубликат» деб белгилаб қўйилиши шарт.

— Касаначилик асосида иш бошлаш ниятида марказга мурожаат қилаётган фуқаролар асосан қайси масалаларда маслаҳатга эҳтиёж сезишмоқда?

— Бўлимимизга шу тартибда ишлашни маъқул кўриб мурожаат қилаётганларни аввало туманда мавжуд иш берувчи корхоналар рўйхати билан таништирамиз. Марказимиз ходимлари фуқароларга йўл-йўриқ кўрсатиш билан кифояланиб қолмай, уларни иш бошлашда зарур ҳуқуқий қўлланмалар билан ҳам таъминлаб келишмоқда. Касаначилик асосида иш бошловчилар билан тузиладиган шартномалар Президентимизнинг 2006 йил 5 январдаги «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосида ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига асосан йўлга қўйилади. Касаначилар кўпинча корхоналар буюртмаси асосида ишлашади. Бунда иш берувчи билан меҳнат шартномаси тузилади. Юқоридаги Фармонга кўра, касаначилик асосида меҳнат қилаётганларга ҳам меҳнат дафтарчаси юритилади. Шуни унутмаслик керакки, ҳар қандай ҳолда ҳам иш берувчи юридик шахс сифатида қонун олдида жавобгардир.

Гулбаҳор ОРТИҚХЎЖАЕВА тайёрлади.

ЭЛ СОҒЛИГИ – ОЛИЙ МАҚСАД

Юртимизда ҳар бир йилни ўзига хос ном билан аташ анъанага айланди. Ўтган Ижтимоий ҳимоя йили номига муносиб тарзда мамлакатимиз ҳаётида ўзига хос из қолдирди. Ҳукуматимиз томонидан бир қатор ишлар амалга оширилдики, уларнинг барчаси аҳоли фаровонлиги яхшиланишида муҳим аҳамият касб этди. Барча соҳаларда бўлгани каби, бу соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилган ислоҳотларда ҳам ўз аксини топди.

Китоб туманида фаолият кўрсатаётган тиббиёт ходимлари ҳам халқимиз саломатлигини сақлаш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштиришни устувор вазифа деб биладилар ва шу шиорга амал қиладилар.

— 200 мингдан ортиқ аҳолига жамоамиз сидқидилдан хизмат қилиб келмоқда, — дейди Китоб тумани марказий шифохонаси бош ҳакими Барака Абдуллаев. — Ўтган йил мобайнида 3670 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқарога беминнат хизмат кўрсатилди, бепул дори-дармонлар ўз вақтида етказиб берилди. 20 та қишлоқ врачлик пункти, 1 та диспансер, 3 та поликлиника ва 4 та шифохонада 454 нафар олий тоифали врач, 2287 нафар ўрта тиббиёт ходими халқимизга сифатли хизмат кўрсатиб келмоқда.

Бундай хайрли ишларни Қарши ва Косон туманлари мисолида ҳам кўриш мумкин. Масалан, Қарши туман марказий шифохонсианинг малакали ходимлари шошилинч тиббий ёрдам, хирургия, гинекология, физиотерапия, терапия, туғруқ бўлимларида беморлар дардига малҳам бўлиб келмоқдалар. 22 та ҚВПлар фаолиятидан ҳам аҳоли миннатдор.

Ислоҳот ва тиббиёт

Косон туман марказий шифохонаси бош ҳакими Ҳаким Боборажабов шундай дейди:

— Аҳолига кўрсатилаётган хизмат йилдан-йилга яхшиланиб бормоқда. Ўтган йилда туманимиздаги тиббиёт муассасалари Жаҳон банки гранти асосида 85 миллион сўмлик тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланди. Энг аввало ногирон, етим болалар, уруш қатнашчилари, ёлғиз қариялар, кам таъминланган оилалар, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига юқори сифатли ёрдам кўрсатишни олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз. Ҳозир 90 ўринга мўлжалланган 2 қаватли болалар шифохонаси фойдаланишга топширилиш арафасида.

Деҳқонобод туманида 109 мингдан ортиқ аҳолига хизмат кўрсатаётган 15 та ҚВП, 2 та поликлиника, 6 та қишлоқ участка шифохонаси ва 25 та фельдшер-акушерлик пунктлари қаторида янги қишлоқ врачлик пункти ҳам йил бошидан ишга туширилади. Туман Марказий шифохонаси бош ҳакими Нортожи Янгибоевнинг айтишича, Ижтимоий ҳимоя йили муносабати билан 13 та ҚВП «Саломатлик — 2», «Аёллар ва болалар соғлигини сақлаш» лойиҳаси бўйича 73 594 минг сўмлик тиббий жиҳоз ва асбоб-ускуналар билан таъминланди. Кувонарлиси, марказий шифохона ходимлари томонидан 8 нафар кам таъминланган оила учун Халқ банкининг туман бўлимида ҳисоб очилиб, жами 600 минг сўмлик ҳомийлик ёрдами кўрсатилди.

Ҳозир аҳолига 24 йўналиш бўйича хизмат кўрсатаётган Қарши шаҳридаги 2-катталар поликлиникаси фаолияти ҳам эътиборга молик. Бу ерда бир кеча-кундузда 250 беморни қабул қилиш имкони мавжуд. Поликлиника жамоаси томонидан репродуктив саломатликни муҳофаза қилишни кучайтириш, соғлом оилаларни шакллантириш, болалар ва туғруқ ёшидаги аёлларда темир моддаси, йод танқислигининг олдини олиш, никоҳдан ўтаётган ёшларни мажбурий тиббий текширувдан ўтказиш, кутилмаган ҳомиладорликдан огоҳлантириш бўйича тушунтириш ва профилактик ишлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, ревматология, кардиология, профилактика, эндокринология, шифокоргача кўрик ва муолажа, флюрография, рентген, «Оналар мактаби», «Оила ва никоҳ» хоналари, УЗИ, Маънавият ва маърифат, марказий зарарсизлантириш пунктлари фаолият кўрсатиб келмоқда.

Биз юқорида Қашқадарё вилояти тиббиёт муассасалари фаолиятига назар ташлар эканмиз, ўтган Ижтимоий ҳимоя йилида қилинган хайрли ишлар жорий йилда ҳам давом эттирилаётганига ва ҳомийлик, саховат каби эзгу қадриятлар анъана сифатида яшашига ишонч ҳосил қилдик.

Хидир МАВЛОНОВ,
«Миллий тикланиш» мухбири.

Ч.Ф. «Юсупов Бекзод Азаматович» Мирзо-Улуғбекского района ликвидируется претензии принимаются в течение месяца по тел. 154-48-54.

Утерянный аттестат среднем образовании выданный школой № 24 имени Л.Б.Шастри Сабир-Рахимовского района в 1999 г. № OR A 567587 на имя Саидовой Шахризоды Эркиновны считать недействительным.

Андиша қирралари

Адабиёт ихлосмандлари эҳтиромидаги устоз адиблардан бири етмиш ёшлигида ош берди.

СОВҒА — СЎЗ

Имкон қадар ҳалол-покиза, ҳаётдан ортиқча таъмаларсиз яшаб ўтаётган бунақа одамга нима совға қилишни ҳам билмай қолар экансан.

Чопонми? Елкасига бир ташланади-ю яна кимларгадир совға бўлиб кетади. Пулми? Пул сендай шоиртабиат болалардан аразлироқ юришини устоз адиб ҳам, бошқалар ҳам билади. Боз устига бирон ерда ишламасанг. Қолаверса, чираниб қилинган тўёнада ҳам миннат бордай.

Таваккал, дедим ичимда. Совғага икки оғиз сўз олиб бораман. Буғдай, бозиллаб турган сўз бўлади у. Ўзимча гўё ўша сўзни топгандай ҳам бўлдим. Уни икки энлик қоғозга тузаб, тўрт букладим. Қарасам, совғам яна «бир нарса»га ўхшаброқ қоляпти. Таваккал, дедиму уни устозга илинган, бироқ ўқиб вақтини сарфлашига арзийдимийўқми, деган андиша билан элтиб беролмаган янги китобим қатига «маскировка» қилдим. Олатўполонда совға-сўзни юбилярнинг қўлтиғига қистирдим.

Ошни еб, ташқарига чиқдик. Йўлакда ўзимизга ўхшаб одмигина хонадондан чиққан, бир ҳамкасбимиз бошқаларни оғзига қаратиб турибди. Кўзларининг ялтиллашидан сездимки, менга ҳам бир нарса дегиси бор. Янглишмабман. Саломаликдан кейин дилидаги ўша фикрни қулоғимга босди.

— Китоб совға қилдингизми?..

Унинг бу саволида издиҳом тўйбобога қиммат-баҳо нарсалар армуғон қиляпти. Сизнинг бу камтарона совғангизни тушунолмадик, деган оҳанг жо эди.

Китобнинг ичида бошқа гап бор дейин десам, ўлақолса тушунмайди. Тушунганда ҳам бошқача, яна ўзига мослаб тушунади.

Гапни ҳазилга буришга уриндим.

— Устоз ҳам бир китоб ўқисин, дедим-да!..

Ҳамкасбим баттар қувлик қилди:

— Ўқимаса-чи?

Бу гапдан сенинг китобингга устознинг кўзи учиб турмагандир, деган маъно келар эди. Қув одамга қувлик қилма, аҳмоқ бўлиб қоласан, дердилар. Мен ҳозир худди ўша ҳолатга тушиб турар эдим. Қарангки, имдодни дилимизга Аллоҳнинг ўзи солди.

— Ўқимасами? Сиз берган нарса чўнтагининг бир четида, нари борса жиғилдонида (бу ҳам гумон) қолиб кетади. Менинг совғам ҳеч бўлмаса архивининг бир бурчагида қолади-ку, — дегим келди. Бироқ бу фикримни айтишга истиҳола қилдим.

Ўйлаб кўрсам, шундай одамнинг жавонида икки оғиз сўзинг қолиши ҳам бахтдай туюлди менга. Шуни ҳис қилиб бир қувонсам, сўнгги фикримни тилимга тепчитмай, ўзим билан олиб қайтганимдан ҳазор қувондим.

Абдунаби БОЙҚЎЗИЕВ.

Азамат АҲМАД олган сурат.

Илҳом лаҳзалари

ВАТАН, КАНГУЛЛАРДА ВАТАНГА АЙЛАН

Кангул ришталари тоб ташласа гар,
Гардун меҳварига дарз кетар сар-сар,
Меҳр тафтларидан яралган гавҳар —
Ватан, кангулларда Меҳрга айлан.

Қалблар бир-бирининг пайвасти, хеши,
Соғинар, талпинар қалб торин эшиб,
Қадр иззатлари улғайган бешик —
Ватан, кангулларда Қадрга айлан.

Қадим садоларнинг томирларида
Оққан мардоналик бўлмасин майда,
Ғурур шонлари бўй тортган дийда —
Ватан, кангулларда Ғурурга айлан.

Сабр саболари элайди сабот,
Ҳидоят кишварин синови бот-бот,
Иймон нурларидан зарғун муножот —
Ватан, кангулларда Иймонга айлан.

Покиза ҳис бўлиб дилларга кўчгин,
Руҳият арконин руҳларин қучгин,
Жон қушлари қуйиб сиғинган очун —
Ватан, кангулларда Ватанга айлан.

Ватан, кангулларда Ватанга айлан.

* * *

Кун оғди. Кечга товун
эсди хуш насим.
Дунё — қадимги ровий,
дунё — руҳимнинг саси.

Оқшом уфун уфуриб
қошига сурма сурар.
Дунё узоқ йўл юриб,
дунё ҳорғин ўлтирар.

Сочар даштлар устинда
юлдузларини осмон.
Дунё ямоқ пўстинда,
дунё — узилган паймон.

Туннинг сепи — тугунча,
сукунат — гўзал чирой.
Дунё — нишлаган ғунча,
дунё — янги чиққан ой.

Кун оғди. Кечга товун
эсди хуш насим.
Дунё — қадимги ровий,
дунё — руҳимнинг саси.

* * *

Қушлар учиб кетдилар бир-бир,
канглум ошён айлаган қушлар.
Соғинчини бериб қайсидир,
қайсидир бўлиб тушлар.

Қушлар учиб кетдилар бир-бир,
канглум ошён айлаган қушлар.
Қайғусини ташлаб қайсидир,
қайсидир доғин ташлаб.

Ел тўзғитган яфроғлар каби —
қушлар учиб кетдилар бир-бир.
Армонларим шифтида сабий —
армонларим мени эзадир.

Юзин ювар ҳажрга канглум,
қушлар учиб кетдилар бир-бир.
Айролиқнинг қасрида сўлим —
айролиқнинг сунбулларидир.

Ашкини ютади нигоҳим,
хотиримда мунис тарзлари.
Ич-ичидан зил тортар оҳим —
канглумнинг синиққан дарзлари.

Ёнбошлар канглумга бир сукут,
қалдирғоч нигоҳи астар.
Мен — фироғ қаърига чўкиб
бораётган интизор мустар...

... Қушлар учиб кетдилар бир-бир,
учиб кетдилар гувиллаб.

Канглумда титраниб тургайдир
бағри бўм-бўш дарахт ҳувиллаб...

... Қушлар учиб кетдилар бир-бир...

* * *

Кенгликларга йўлим тушса мабодо,
кўкрагимни тўлдириб оламан нафас.
Эркалатиб руҳимни эсар шабода,
синади кўксимда моғор бойлаган қафас.

Уфқлар бор бўйи кўрсатади жамол,
ўзимга сиғмайман,
ўзимни унутиб.
Сидириб кетади ғуссаларни шамол,
қайғулардан фориғ этади тунутиб.

Канглум
ғамларининг зангини тўкиб,
бағрин очар беғубор ҳавонинг тафти.
Тўрғайлар саси саслар надамин букиб,
кенгликлар чиройи айлайди мафтун.

Қарайман.
Югураман.
Чексиз музофот —
кенгликлар адоғига етолмай,
толиб.
Сўнг,
қайтаман тўрғайлар соғинчи сифот,
сўнг,
қайтаман кенгликлар соғинчин олиб.

Кенгликларга йўлим тушса мабодо,
кўкрагимни тўлдириб оламан нафас.
Эркалатиб руҳимни эсар шабода,
синади кўксимда моғор бойлаган қафас.

* * *

Йироқдасан, эҳ-ҳе, жуда йироқда,
кўзларим йўлингда термулиб тўнар.
Менинг манзилимга кун чиқар чоқда,
сенинг манзилингга намозшом қўнар.

Йўллар нафас олмай чопар туну кун,
бардошим тугайди, сабрим бўлар чоқ.
Поездлар нолавор — уф тортар узун,
юрагимда хўрсиниқ титроқ.

Тунлар — армон, мени алдайди, ҳайҳот,
кунлар — армон, мени чалғитар, ногоҳ.
Гулим, мен йўллардан кутаман нажот,
гулим, мен йўлларга сиғинаман, оҳ!

Йўллар юракларга бош қўяр маҳваш,
канглумни ватан этган бир ишонч.
Сенинг борлигингни ҳис этиб яшаш,
мен учун дунёда муқаддас қувонч.

Йироқдасан, эҳ-ҳе, жуда йироқда,
кўзларим йўлингда термулиб тўнар.
Менинг манзилимга кун чиқар чоқда,
сенинг манзилингга намозшом қўнар.

Икром ОТАМУРОД.

Биласизми?

ВАҚТ ЎЛЧОВЛАРИ

● 0,005 сонияда асалари қанотини бир марта қоқади. Демак, у бир дақиқада 12 минг марта қанот қоқишга улугуради.

● Кишида укол оғриғи бор-йўғи 0,02 сония давом этади.

● 0,1 сонияда космик кема бир километр масофани босиб ўтади.

● 1 соат. Бир кунлик яшайдиган ҳашаротнинг ўртача умри.

● Ой нури 1,25 сония ичида ерга етиб келади.

● 20 сония — ўрта ёшли киши юзта сўзни айтиши мумкин бўлган энг қисқа муддат.

● 1 дақиқада сичқоннинг юраги минг марта уради.

● Энг узоқ туш кўриш 45 дақиқадан ошмайди.

● 1 соату 10 дақиқада чипор сиртлон 64 километр масофани югуриб босиб ўтади.

● 21 кун. Яманда тўйлар маросими шунча давом этди.

● Одам юраги 1 йилда 2 миллион 760 минг литр қон ҳайдайди.

Акбар АЛИЕВ тайёрлади.

ДЎСТИМГА НАСИҲАТЛАРИМ

Шогирдларингнинг фандаги фикрлари сени устоз сифатида гоҳида хижолат қилиши мумкин, аммо уларнинг шундай гапларни айта олиш қобилияти борлигининг ўзиёқ эътиборга сазовор фазилатдир.

* * *

Ўзганинг бошига тушган оғир ишни енгиллаштирсангу аммо, ўзингнинг енгил ишинг бироз оғирлашса, ҳеч ҳам афсусланма, аксинча, хурсанд бўл!

* * *

Агар меҳмон сенинг уйингда ўзини ўз уйидагидек ҳис этса, қайтар чоғида "Шундай хонадондан чиқиб кетаётганимдан афсусданман" маъносидаги сўзларни шодлик ила изҳор қилса, сен ҳам хурсанд бўлавер: меҳмон ҳурматини тўлиқ адо эта оладиган мезбон экансан.

* * *

Мажлислардан қочма — уларда ҳар доим иштирок этишга ҳаракат қил. Чунки мутафаккир Франклин айтганидек, иштирок этсанг, ўзингни оқлаш имкониятига эга бўласан, иштирок этмасанг, бундай имкониятдан маҳрум бўласан.

* * *

Билиб қўй: эшитувчи зерикиб, эснаётган, нотиқ зўрмазўракилик билан гапираётган бўлса, бу беъмани маърузадир.

* * *

Сукротнинг машҳур ўгитига қулоқ сол: таваккал қилиб, уйлан. Ота-боболаримиз айтганидек, агар яхши хотин учраса ёқанг оқаради, агар ёмони учраса — соқолинг. Уйланганингдан кейин хотининг сени севиб қолса султон, севмаса ултон бўласан.

* * *

Сенга кимдир "Ўзгаларга маслаҳат сол" деса, чопиб кетаверма, олдин ўзинг ўзинг билан маслаҳатлашиб ол.

* * *

Агар сенинг кўнглингни топишларини истасанг, уни жуда овлоқ жойга беркитиб қўйма.

Муҳаммад ТОШБОЛТАЕВ.

Ўқинг, қизиқ!

ЧЎҒ УСТИДА ЎЙИН

Чўғ устида ўйинга тушиш қадимда ҳам бўлган. Шимолий Америкадаги ҳиндуларнинг авахо қавмидан тарқалган бу ўйин бундан уч ярим минг йил аввал Ҳиндистонга кириб келган. Аста-секин европалик христианлар ҳам чўғ устида юриш ўйинини ўрганишган. Саёҳатчилар ҳозир ҳам Грецияга бориб, қишлоқ фуқароларининг Елена ва Константин байрамларида хосиятли бутларни бағирларига босиб, кўмир чўғи устида ўйнашларини томоша қилиб қайтадилар.

Ёнаётган ўт устида туриш, юриш синоатини ўрганган одамлар ҳақида қадим замонлардан буён халқ орасида ривоятлар тарқалган. Масалан, эрамиздан авваги 155-йили Аппостол Ионнинг шогирди хосиятли Поликарп Смиринскийни устунга боғлаб ёндирмоқчи бўлган. Ўт унинг танасига таъсир қилмасдан тирик қолган. Шунингдек, XVIII асрда Францияда гугонетлар қўзғолони пайтида Клара исмли аёл ўлим жазосига ҳукм қилиниб, ёндирилганда тирик қолган.

Ўрта асрда Японияда буддизм-даосизм асосида маҳаллий сюгендо деган диний оқим пайдо бўлган. Бу оқим диндорлари ҳавода йўқ бўлиб кетиш, сув остида узоқ туриш, ўт устида эмин-эркин юриш каби хосиятларни билишган.

Токио шаҳрида кўмир чўғи устида юриш ва ўйнаш мусобақаси ўтказилган. Бу мусобақа ҳозир ҳам давом эттирилмоқда. Болгарияда байрам кунлари чўғ устида юриш ўтказилади. Одатда бундай байрам пайтида овулларда дарахтдан йўл қилиниб, ёқилади. Ўт обдон ёниб бўлганидан кейин чўғ устига кўмир сепилиб, сунъий ўтли гилам ясалади. Кейин қоронғу тушганда, қадимий урф-одатларга кўра, бировлар ялангоёқ сакраб ўйнаса, тағин бировлар цирк артистларига ўхшаб қипқизил чўғ устида қўли билан турса, тағин бошқалари ёш болаларини қўлларига кўтариб, ўт устидан бир неча марта юриб ўтишади.

XVIII асрнинг 50-йилларида француз Мари Санэ "ўтда ёнмайдиган аёл" деган номга сазовор бўлган. У оёқ кийими ва пайпоғи ёниб адо бўлгунга қадар ёнаётган ўт устида турган. В. Леруа "Саламандра одамлар" номли китобида ўзи гувоҳ бўлган воқеани шундай баён қилади: "Ҳиндистоннинг Мадрас шаҳрида бир неча кишидан иборат оркестр ловуллаб ёниб турган ўт устидан мусиқа асбобларини чалиб ўтишган. Уларнинг қўлларидаги мусиқа асбоблари ёнса ҳам, бироқ нота қоғозлари ёнмади".

Гиннеснинг рекордлари китобида қайд қилинишича, махсус ўтказиладиган мусобақаларнинг энг сўнггисида иссиқлик 1000 градус бўлган. 1935 йили Куда Букс исмли ёш ҳинду 1400 температурали кўмир чўғи устида юрган. Шифокорлар унинг терисида ўтнинг белгиси ҳам қолмаганига қойил қолишган.

Америкалик антрополог Кейн бу воқеаларни кузатар экан, одамларнинг кўмир чўғи устида юришни ўрганганига сабаб куч-қобилиятига қодир эканлигига ўз-ўзини ишонтира олишида, деб изоҳ беради. Шундай пайтларда оёқнинг қон томирлари сиқилиб, қон айланиши секинлашади (терининг иссиқлик ўтказиш хусусияти камаяди). Ўт устида юрувчиларнинг айтишларича ҳам худди шундай экан.

Ҳа, ўт устида юриш учун одамга аввало психологик тайёргарлик зарур. Қисқа қилиб айтганда, ўт устида юриш учун одам ўз-ўзини унутиши ва ўзига қаттиқ ишониши керак. Шу хусусиятни ўзлаштирган одам кўмир чўғининг устида ўйнаш қобилиятига эга бўлади экан.

Қидирбой ТЎЛАБОЕВ тайёрлади.

Ўзи ҳақида бировлар ғийбатлашиб юрганлигидан хабар топиб ранжимаган инсон топилмаса керак. Худди шунингдек, бирон маротаба ҳам бировлар ҳақида ғийбат қилмаган одамни ҳам учратиш амри маҳол. Ғийбатлашиш инсонларга хос нарса. Аммо маънавий жиҳатдан ғийбатлашмоқ ахлоқсизликдан дарак беради.

Ғийбатлашиб туриш фойдалими?

Шуни билса ҳам одамлар ўзини пинҳона ёки ошкора ғийбатлашиб туришдан тия олмайди.

Ғийбатлашиш жараёнларини диққат билан кузатган америкалик психологларнинг фикрига қараганда, «бировларнинг пўстагини қоқиш» маънавий моҳиятига кўра жуда ҳам нохуш воқеа бўлса-да, аслида у инсон саломатлиги учун фойдали экан.

Умуман олганда, ғийбатлашишни уддалай олиш одамларнинг ижтимоий ҳаётда ўз ўрнини топа билиши учун муҳим ҳисобланади. Инсоннинг табиати шундайки, бирон-бир кимса ғийбатдан ўзини олиб қочса уни дарҳол одамовига чиқариб қўйишлари мумкин. Лекин ғийбатлашиш керак экан деб ҳаддан ортиқ даражада тилингизга бўшлик қилсангиз ҳам бўлмайди. Унда сиз бировларнинг сирини ошкор қилиб қўйишингиз мумкин. Шунинг учун ғийбатлашиш «одоби»дан бохабар бўлиш зарур.

Хўш, ғийбатлашиш одамлар учун шунчалик муҳим ва қизиқарли экан, у ҳолда уларни нималар кўпроқ қизиқтиради? «Амалий жиҳатдан қўлланилиши мумкин бўлган ижтимоий психология» журналининг хабар беришича, махсус уюштирилган синовлар натижасидан маълум бўладики, одамларни кўпроқ ўз таниш-билишларининг камчиликлари, ғайриоддий хатти-ҳаракатлари, ижтимоий меъёрдан оғиш ҳоллари кўпроқ қизиқтиради. Шу сабабдан улар учун мастлик ҳолатида инсонларнинг феъл-атвори, жанжаллар, ўзгаларнинг кўзига кўрсатилмайдиган пинҳоний ишлар, орзу ва истаклар ҳақидаги тафсилотлар жуда ҳам қизиқарли туюлар экан.

Илм-фан расман тасдиқлаган ушбу «ҳақиқат» журналистлар томонидан аллақачон илғаб олинган. Зотан, енгил-елпи маълумотларни овоза қилишга асосланган айрим газета ва журналлар айнан шу принцип асосида иш юритишади. Бу хилдаги нашр органлари учун муҳими шуки, ижтимоий муҳитда вужудга келган эҳтиёжни албатта қондириш ва фойда олиш лозим.

Б. РУСТАМОВ тайёрлади.

«DAR'YA-GO'ZALLIK SERVIS» зарегистрированное хокимиятом Бектемирского района г. Ташкента расположенное по адресу г. Ташкент ул. Х. Байкаро 74-1 ИНН 300463587 ликвидируется. Претензии принимаются в течении 2-х месяцев по тел. 446-78-85

Ташкентское ДХОПП «Энергомонтаж» сообщает о реорганизации предприятия путем присоединения к Бекабадскому ДХО «Саноат-техмонтаж». Претензии принимаются в течение 2-х месяцев по адресу ул. Чимкентская 17.

ЧП «Евгений Александрович» Бектемирского района ликвидируется. Претензии принимаются в течение месяца по тел. 305-44-45.

Икки хил таъбир

Ибратли ривоят

Султон Маҳмуд Ғазнавий тушида ҳамма тишларининг тушиб кетганлигини кўриб, қўрқиб уйғонади. Дарҳол бир туш таъбирини аниқловчи чақиртириб, тушининг таъбирини сўради. У мутакаббир, ўйламасдан, андиша қилмасдан сўзловчи одам эди. Маҳмуд Ғазнавийга:

— Сизнинг бола-чақаларингиз, қариндошларингиз сиздан олдин ўлиб кетадилар. Тушингизнинг таъбири шудир, — деди.

Бу таъбир султонга хуш келмади, унга жазо берди. Иккинчи туш йўловчини чақиртирди. У тадбирли, андишали, доно киши эди. Ўйлаб туриб султонга шундай деди:

— Болаларингиз, қариндошларингиздан кўра ҳам сиз узоқ умр кўрасиз.

Бу сўз Султон Маҳмудга хуш келиб, унга инъом-эҳсон қилди. Сўнг ўз ҳузурида ҳозир бўлганларга:

— Ҳар икки туш йўловчининг таъбири бир хил, фақат биринчиси нодонлиги туфайли ўйламасдан, андишасизлик билан қўпол таъбир қилгани учун унга жазо бердим, иккинчисини эса доно, андишали, ўйлаб сўзловчи бўлганлиги сабабли мукофотладим, — деди.

Адолат РАҲМАТУЛЛАЕВА тайёрлади.

Муассис: «Миллий тикланиш» демократик партияси

Миллий тикланиш — ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА — MILLIY TIKLANISH

Бош муҳаррир Ҳосил КАРИМОВ

ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона — 133-67-51. Бўлимлар — 136-58-73.
E-mail: milliy-tiklanish@mail.ru

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

® - Тижорат материали

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Босишга топшириш вақти 22.00
Нашр кўрсаткичи — 158

Газета 02 23-рақам билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма: Г — 24.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Адади 2830
Сотувда эркин нархда

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй

1 2 3 4 5

Босишга топширилди — 22.00